

ЖАМИЯТИМИЗ РИВОЖИГА ТАҲДИД СОЛАЁТГАН “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” КЎРИНИШЛАРИ

Матяқубова Фируза Баходировна

ИИВ Малака оширии институти ўқитувчиси, майор

Калит сўзлар: “оммавий маданият”* тушунчаси, миллий урф-одат ва қадриятлар.

ХХ аср ўрталаридағи Ғарб жамиятидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар (иктисодий инқироз, фашизм ва коммунизм ғояларининг тарқалиши, мустамлакачилик империяларининг емирилиши, уруш туфайли ҳокимият тепасидаги сиёсий партияларнинг обрўсизланиши) оддий аҳолида қандайдир тушунарсиз кайфиятни вужудга келтириб, дастлаб кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланган ғояларнинг ўз аҳамиятини йўқотиши, бундай вазиятда тушкунликка тушган айрим ёшларнинг анъанавий қадриятлардан юз ўгириб, бошка, янги қадриятларни яратиш ва улардан ўзига юпанч излашга интилиши ҳам “оммавий маданият”нинг кенг тарқалишига таъсир кўрсатди. Ҳар қандай тақиқдан озод, харакатчан, доимо аудитория билан алоқада бўлган “оммавий маданият” Ғарб аҳолиси, айниқса, ёшларга жуда маъқул келди.

“Оммавий маданият” белгилари дастлаб мусиқа санъатида намоён бўлди. Европага гастролга келган замонавий мусиқачилар Дюк Эллингтон ва Луи Армстронг раҳбарлигидаги жаз оркестрларининг концертлари радио ва телевидение орқали бутун қитъага тарқалди, уларнинг мусиқаси кейинги давр Европа оммавий маданиятининг дурдонасига айланди. Маълумотларга кўра, АҚШ давлат департаменти Луи Армстронгга “Джаз элчиси” норасмий титулини бериб, бир неча бор унинг жаҳон бўйлаб турнеларини молиялаштирган.

Америка мусиқаси оҳангода (40-йилларда – “буғивуғи”, 50-60-йилларда – “рок-н-ролл”) бутун Европа Шарқни ҳам мустасно этмаганда, рақсга тушди. Мусиқа орқали тарғиб қилинган ғоялар Голливуд фильмлари, пластинка, кассета ва компакт-дискларнинг оммавий тиражи туфайли янада кенг тарқала бошлади.

* “Оммавий маданият” инглизча “Popular culture” (“оммабол, кенг тарқалган, ҳамма учун очиқ маданият”) атамасидан олинган бўлиб, дастлаб ХХ аср ўрталарида Ғарбий Европа ва АҚШда вужудга келган, анъанавий мумтоз маданият тамоиллари, мезонлари, ғояларидан ўзгача қараш, шакл ва услубларни ўз ичига олган, оддий одамлар аудиториясига мўлжалланган, кенг аҳоли маданий савиясига мослаб соддалаштирилган санъат (музиқа, кино, тасвирий санъат ва ҳ.к.) йўналишига нисбатан ишлатилган. Вақт ўтиши билан Ғарб мамлакатлари аҳолиси, айниқса, ёшларга катта таъсир кўрсатиб, ижтимоий-маданий, маънавий ҳаётдан тортиб кундалик турмуш тарзига қадар сингиб кетган ижтимоий воқеликка айланди. Оммавий маданиятнинг асосий мақсади моддий даромад бўлганилиги сабаб, унинг тарғиботчилари кенг аҳоли қатламини жалб этиш мақсадида соддалик, ҳаммага тушунарлилик ва кўнгилочарликни асосий сифат мезони деб қараганлар. Айнан шу ҳолат аҳоли умумий маданий савиясининг сустлашиб, маданият ва санъатдаги азалий идеаллар, қадриятлардан ажralиб қолишига, охир-оқибатда ахлоқсизликни тарғиб қилувчи “оломон маданият”нинг вужудга келишига олиб келди.

Европада “АББА” (Швеция) ва “Биттлз” (Англия) ансамбллари “оммавий маданият” юлдузларига айланди. “Биттлз” асосчиси Жон Леннон ҳақиқий афсонага айланди. Унинг туғилган ва вафот этган куни ҳозирга қадар бутун дунё ёшлари ва рок-музиқачилари томонидан нишонланади.

Шу тариқа “оммавий маданият” томошабоп тадбирларнинг улкан тижорат мажмuinи яратдики, кейинчалик у америкача “шоу-бизнес” атамаси билан номланди. Ўз навбатида санъатнинг қамров доираси кенгайиб, санъат турлари оммалашиб, оддий аҳоли ҳаётига кириб боргани сари унинг савияси, санъат воситасида тараннум этилган ахлоқий идеаллар ва мезонларнинг аҳамияти пасая бошлади. Адабиёт ва санъатга эстетик тарбия воситаси эмас, балки, тижорат, даромад топиш манбаи, айни пайтда сиёсий ва мағкуравий қурол сифатида қарашга интилиш бугун биз “оммавий маданият” деб атаётган феноменни вужудга келтирди.

XX асрнинг уч буюк техника кашфиёти – радио, кино ва телеведение – жамиятимизда минг йиллардан буён сақланиб келаётган қадриятлар ва урфодатлар мазмун ва моҳиятини бутунлай ўзгартириб юборди. Дунёда эса фантехника инқилоби натижасида маънавий, маданий “товарлар”ни ишлаб чиқариш индустрияси пайдо бўлди.

Иzlанишларимиз давомида “оммавий маданият” тушунчасининг турли талқинларига дуч келдик. Эътиборли жиҳати, хорижда ва Ўзбекистонда кўпчилик мутахассислар “оммавий маданият” иборасини қўлласаларда, (мутахассисларнинг фикрича ҳали фанда “антикультура” яъни, аксилмаданият деган тушунча шаклланмаганлиги учун ҳам жамоатчилик “оммавий маданият” тушунчасини қабул қилишга мажбур бўлмоқда, ўзбек тилида баъзан “оломон маданияти”, “авом маданияти” иборалари қўлланилган бўлса-да, кўпроқ “оммавий маданият” шакли оммалашди) унинг мазмун-моҳиятига кўра чинакам маданиятнинг кушандаси эканлигини яқдил тарзда эътироф этмоқдалар.

Дарҳақиқат, бугунга келиб “оммавий маданият” ўз ичига майший ҳаёт, қизиқишлиар (поп-музиқа, кино, тасвирий санъат, спорт, мода ва х.к.), ОАВ, интернет ва ижтимоий тармоқлар кабиларни олиб, моҳиятига кўра аҳоли аксарият қисмининг ҳаётини, қизиқишлиарини ташкил этган воқеа-ҳодисалар, интилишлар ва эҳтиёжлар билан тўлиб тошган.

70-80 йилларда Ўзбекистонда ҳам (1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин Собиқ иттифоқнинг турли ўлкалардан ишчилар оммавий кўчириб келтирила бошлаган) асосан шаҳарларда яшаётган европалик аҳоли, аксарият ёшлар таъсирида ҳалқ маданиятининг турли соҳаларида (музиқа, кино, кийиниш, ўзаро муомаладан тортиб тўй ва байрамларгача) “оммавий маданият” аломатлари кўзга ташлана бошлади. Албатта, бу ўзгаришларнинг ҳаммасини ҳам салбий деб

бўлмайди (машхур “Ёр-ёр” фильмидаги қудаларнинг эскича ва янгича тўй борасидаги баҳсларини эсланг).

Бора-бора йигит ва қизларнинг бир даврада ўтириб, шампан виносини ичиши, танцага тушишлари, паркларда қўлтиқлашиб юришларига нафақат одатий ҳол, балки маданиятлилик белгиси сифатида қарала бошланди. Ўша даврдаги мафкура ҳам қайсиdir маънода бу тенденцияни рағбатлантирас эди. Карабсизки, кўп ўтмай узун соч қўйиб, клёш шим кийган туғилган жойидан, ўзлигидан ажралган ўзбек “Жорж”лари (улар Бахтиёр Ихтиёров ва мархум Эргаш Каримовлар иштирокидаги телеминатюраларда кулгу билан истеҳзо қилинган эди) пайдо бўла бошлади.

Ўзбекистон Қаҳрамони Сайд Аҳмаднинг “Қоракўз мажнун”, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг “Момо ер қўшиғи” (сержант Орзуқулов, шоир Паҳлавон Даҳо образлари) асарларида Ғарб маданияти таъсирига берилиб, ўз маданиятидан юз ўғирган кишиларнинг фожеаси ниҳоятда таъсирили ёритилган.

Дастлаб мустабид тузум даврининг турли қийинчиликлари шароитида ҳамма ҳам бу “маданият”нинг салбий таъсирини англашиб етмади, англаганлар ҳам унга қарши бирор иш қилишга ожиз эди. Фақатгина, 80-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган “Қайта қуриш” ва ошкоралик номини олган воқелик Ўзбекистонда ҳам миллий тил, миллий маданиятни тиклаш ҳаракатларига туртки берди.

“Оммавий маданият”нинг заарли жиҳатлари айниқса, ғарбона турмуш тарзи ва қадриятларини бошқа миллатларга кўчиришга уринишда намоён бўлиб, бу борада реклама, мода, бадиий услублар, мусиқа, санъат асарлари, кино катта роль ўйнамоқда.

Ёшлар ахлоқи ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган “оммавий маданият”нинг баъзи кўринишларига қуйидагиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин:

✓ *бугунги кунда жаҳон медиа бозорининг 3/4 қисмини Ғарб телевизион дастурлари эгаллаган. Уларнинг жазавага солувчи мусиқаси, маъносиз ва гайритабии қўшиқларига бутун дунё тақлид қилаётгани ачинарли ҳол. Бундай кўринишлар ёшларни маҳлиё қилиб, ўз домига тортмоқда. Оқибатда, айрим ёшлар уйда, мактабда ва ҳатто йўлда ҳам ўз мақсадидан чалгиб, ана шундай нарсалар билан банд бўлишияпти.*

✓ *бугун Ғарбда аксарият ёшлар маънавияти таназзулга учраётгани аниқ. Шунга қарамай, айрим турли ОАВда уларнинг турмуши тарзи кенг тарғиб этилаётгани кишини доимо огоҳ бўлишига ундаиди.*

✓ *хорижда ишлаб чиқарилаётган андозасиз кийимлар ва уларда акс эттирилган маъносиз сўзлар ёки ёвузликка чорловчи суратлар ёшлар онги ва феъл-авторига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, хорижда тайёрланган*

кийимлардаги «killer» (қотил) «danger» (дағшат) каби сүзлар ва ҳаёсизликни ифода этувчи манзараларнинг туб моҳиятига эътибор берши керак. Акс ҳолда, фарзандларда зўравонлик ва жонга қасд қилиши каби иллатлар оддий ҳолатга айланниб қолиши мумкин.

✓ *Farb ёшлирида уюшган жиноятычилик ва зўравонликка берилиши ҳолатлари анча юқори. Бунга сабаб болаларга меъёридан ортиқ эркинлик берилганидир. Бунинг устига, “оммавий маданият” эр-хотин ва болаларнинг оиласидаги вазифалари, бурч ва масъулиятларидан “озод” этиб, оиласий бирлик, меҳр-муруватни йўққа чиқаряпти, бу эса оила институтини инқирозга учрашига олиб келмоқда.*

✓ *Farb турмуши тарзида ғуур, ор-номус, эркаклик шаъни, аёллик иффати деган нозик тушунчалар емирила бошлаганига анча бўлди. Ваҳоланки, биз яшаётган жамиятда бу тушунчалар инсон қадр-қимматини белгиловчи фазилатлар сифатида асрраб-авайлаб келинади. Бу тушунчаларнинг емирилиши инсонлар, оила, қон-қариндошлар ўртасидаги муносабатларнинг провардида эса жамиятнинг емирилишига олиб келади.*

Ер юзидағи ахборот алмашинуви шиддатли тус олган ҳозирги шароитда, Farbdagi “марказлар” бундан унумли фойдаланиб, бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида Farb ҳаётининг бузғунчи “жозибалари”ни, жумладан, “оммавий маданият” таъсирини “эркинлик шабадалари” тарзида имкон қадар кенг ёйишга енг шимариб ҳаракат қиласыпти. Ваҳоланки, Farb жамоатчилигининг илғор вакиллари аллақачон, “оммавий маданият”нинг салбий жиҳатларидан инсонларни огоҳ қилиб, бу иллатга қарши қатъий чоралар кўришга чақирмоқда. Бугун ОАВда тез-тез тилга олинаётган Farb жамиятидаги “оммавий маданият” тухфа этган “чексиз эркинлик” таъсирида юз бераётган кўнгилсиз ҳолатлар, мактаб ўқувчилари томонидан содир этилаётган қуролли суиқасдлар, болаларнинг савдойи, васвос кимсалар қўлида курбон бўлаётгани, ўз жонига қасд қилишлар, ахлоқий бузуқликлар, ёшлар феълида тажовузкорлик кучайиб бораётгани ҳар бир оқил инсонни ўйга толдиради.

Энг катта хавф шундаки у инсонни ўзлигидан, инсонийлигидан жудо қиласи, ҳеч қандай қонун-қоидаларни тан олмайдиган, фикрлашдан маҳрум, фақат ўзи, ўз манфаати учун яшайдиган манқуртга айлантиради.

“Оммавий маданият” ёшлардан фикрлашни талаб қилмайди, аксинча, ҳар хил ҳаёт ташвишларидан, турмуш муаммоларидан, турли тақиқлардан гўё “халос” этади. Ўқишига, билим олишга эмас, балки бир марта бериладиган ҳаётда “яйраб қолиш”га чақиради. Ҳолбуки, бунинг натижасида инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётгани, одоб-ахлоқ мезонларига путур етаётгани, беҳаёлик, масъулиятсизлик ва зўравонликнинг авж олаётгани бутун дунё ахолисини ташвишга солмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, “оммавий маданият” тарғиботчилари анъанавий маданиятни ўзгартириш ва бошқариш орқали ўзларининг бузғунчилик ахлоқларини сингдириб, мамлакатларни маънавий таназзулга учратиш мақсадларини амалга ошироқдалар. Улар ота-боболаримиз “қора” деган нарсаларни “оқ”, “оқ” деган нарсаларни “қора” деб уқтирумоқда. Уларнинг назоратидаги телевидение, газета, журналлар, интернет ва ижтимоий тармоқлар одамларда ана шундай қараш ва муносабатларни тарбиялашга қаратилади.

“Оммавий маданият” одамлар савиясини пасайтириб, ўз маҳсулотларига харидорларни кўпайтира боради. Маълумки, жамиятда пулни ўйламай, тез ишлатувчи тоифа – бу ёшлар ҳисобланади. Шу боис ҳам “оммавий маданият” ниқоби остида иқтисодий фойда кўришга интилувчилар ёшларнинг кўзлари тушадиган, қулоқлари эшитадиган ҳамма нарсани эгаллашга ҳаракат қиласи. ОАВ, интернет тармоғидан тортиб, мобил телефонлар учун яратилган турли илова дастурлар, ўйинчоқлар, мультфильм, дисклар, дафтар муқовалари, футболка суратлари, реклама, мусиқа ва ҳоказо.

“Оммавий маданият” халқ оммасига ҳеч бир халқнинг миллий қадрият ва урф-одатларига тўғри келмайдиган бузғунчи ғояларни сингдиришга ҳаракат қиласи. Мисол учун, “ҳеч нарсани ўйламанг, фақат қандай йўл билан бўлса ҳам мулк топинг ва еб-ичинг” шиорининг улар томонидан айтилиши. Бу вайронкор ғояларга берилган ёшлар ҳаёт фақат еб-ишидан иборат экан, деб ўйлаб, ҳар қандай йўллар орқали пул топишга ҳаракат қиласилар. Натижада, жамиятда коррупция, ўғирлик, талончилик, босқинчилик ва бошқа жиноятлар кенг қулоч ёйишига олиб келади.

Барчамиз катта қизиқиш билан томоша қиласидиган “Суюнчи” фильмидаги бир лавҳада маҳалла кайвонилари ўз уйига қулф осиб қўйган, касал отасининг аҳволидан хабар олмаган маҳалладошларига қаттиқ танбех беради. Умуман фильмда халқимизга хос бўлган ҳалоллик, меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат каби инсоний фазилатлар жуда ажойиб тарзда ёритиб берилган. Ҳақиқатдан ҳам халқимизда қадимдан бирорнинг ҳаққига хиёнат қиласлиқ, маҳалладош, қўни-қўшиларнинг яхши-ёмон қунларда бир-бирига ёрдам бериши, фарзандларнинг ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиши лозимлиги ҳақидаги ахлоқий қарашлар устувор бўлган.

Бугун жуда кам бўлса-да жамиятимизда учраётган қуйидаги каби ҳолатлар “оммавий маданият” таъсирининг ёшларимиз ҳаёти ва келажаги учун нақадар хавфли эканлигини кўрсатади:

- ўғирлик қилгани учун қўлга олинган ўсмирдан бунинг сабаби сўралганида, “ўртоғимниридай телефон олмоқчи эдим”, дейди.

- вояга етмаган қиз уйидан қочиб кетади, ота-она минг бир хаёл билан ички ишлар органларига мурожаат этади, қизни 3 кун деганда дугоналаридан

бирининг уйидан топишади, маълум бўлишича, у шу йўл билан замонавий калта юбка кийишни тақиқлагани учун ота-онасидан “ўч олмоқчи” бўлади, дугонасининг уйидагиларга эса ота-онасининг хизмат сафарига кетганини айтиб, ёлғон гапиради.

Яна бир ҳолат. 17 ёшли коллеж ўқувчиси ўз жонига қасд қиласди, ота-онанинг фифони фалакни тутади. Маълум бўлишича, бир кун олдин ўсмир отасидан туғилган кунини дўстлари билан кафеда нишонлаш учун пул сўрайди, отаси эса ортиқча пули йўқлигини айтиб, яхшиси дўстларини уйга чақиришни таклиф қиласди. Йигит уйда эркин ўтира олмаслигини, кафеда хоҳлаган мусиқага мазза қилиб рақсга тушиш мумкинлигини айтиб, қўрслик қилиб туриб олади. Жаҳли чиққан ота ўғлининг юзига тарсаки туширади. Шу тариқа оддий баҳсадан чиққан можаро ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ўсмирнинг ўлими билан яқун топади.

Шу ўринда савол туғилади. Қандай қилиб “оммавий маданият” турли ирк, миллат ва диндаги, ҳар хил ёш ва қасбу-корга мансуб одамларнинг онгини эгаллаб олаётир? Бу ҳақда фикр юритар эканмиз “оммавий маданият”нинг ишлаш механизмини ўзимизга тасаввур этгандек бўламиз. Бунинг биринчи йўли – дидни бирхиллаштириш. Бу болалиқдан бошланади. Болалар яхши нарсаларни эмас, балки бировларга ёқадиган нарсаларни яхши кўришга ўргата борилади. Янги нарсами, демак, ҳозир энг яхши нарса – шу.

Боланинг саводи чиққач, у реал одамларга эмас, суперменларга, аввал ўйлаб, кейин иш қилувчиларга эмас, таваккалчи авантюристларга ўхшашга ўргатила бошланади. Чунки минглаб комикслар, болалар тележурналлари шунга қаратилган. Шу тариқа “оммавий маданият” ёшларни халқидан, миллатидан тортиб олади. Миллий тарбия тизими бузилади. Ўз товарларини сотиб оловчи истеъмолчиларнинг янги авлодлари етишиб чиқадиган инкубаторларни яратадилар. Онгини “оммавий маданият” эгаллаган йигит-қиз ҳаётида мўътадиллик, ором йўқолади.

У шошиб яшайди, шошиб ишлайди, шошиб ўйлайди, шошиб овқатланади.

“Оммавий маданият” шахснинг дидини ўлдириб, миллионлаб одамларни мустакил фикрдан, шахсий позициясидан, демак, ўзлигидан, “мен”идан жудо қиласди. “Оммавий маданият” кўр-кўrona тақлидни рағбатлантиради. Дейлик, рекламадаги чиройли актриса колбасани мақтаб турари, қани, қизиқмай кўрингчи. Уй бекалари унга тақлидан айнан ўша колбасадан олади. Актрисанинг баҳтиёр табассумини эслаб, ўзини унинг ўрнига қўйиб кўради. Унга ўхшаб табассум қиласди. Кайфияти кўтарилади. Чунки у (актрисанинг айтишича) ширин, сифатли колбаса сотиб олди. Иккинчидан, (ўша актриса тасвирлаган) хушнудликни туйди. Ўзида шундай имконият борлигидан (яъни, ўша актрисадан кам жойи йўқлигидан) фахрланади. Шундай қилиб, одам аста-секин ўзидан,

ўзлигидан узоқлашганини сезмай қолади. Бошқа одамнинг дунёқараси, диди билан иш кўрувчи “биомашина”га айланиб қолади.

Аста-секин одамлар кўнгилочар кўрсатувлар берган маълумот, билимларга таяниб яшай бошлайди. Чунки ўйлашга вақт, сўзлашишга ҳамдам йўқ. Миллионлаб одамлар орасида танҳо қолган, атомлашган одам ўзи билмаган ҳикматларни болаларига айтиб бера олмайди. Натижада ёш авлодга момолари, боболари билган, қўллаган тажриба, ҳаётий билимлар етиб келмай қолади. Миллий донишмандлик аждодлардан авлодларга ўтмай қолади. Одамлар телевидение ёки мобил телефони бўлмаса, турли вазиятларда мустақил қарор қабул қила олмайдиган даражага тушади.

Биз емоқчи, киймоқчи бўлган нарсаларимизни обдон текшириб, кейин оламиз. Лекин кўраётган, эшитаётган (истеъмол қилаётган) нарсаларимизга, очифи, эътиборсизмиз. Ваҳоланки, бугун глобаллашув “оммавий маданият”ни ёймоқда. У одамларнинг тафаккурига, дидига, кийинишига, иморат қуриши, уй безаши, ўзаро муомаласи, оиласига, оилавий муносабатлари, ҳатто орзуларига ҳам чанг солмоқда. Яна бир ташвишли ҳолат. Бугун жамиятимизда Ғарб маданиятини қаттиқ ҳимоя қилувчи “ғарбпарат маданий элита”ни шакллантиришга уринишлар кузатилмоқда. Маълумки, ҳар бир жамиятда инсонлар эргашадиган ва тақлид қиласиган етакчилар, санъаткорлар, олимлар қатлами мавжуд бўлади. Машхур кишилар, аниқроғи, инсонлар ўртасида катта обрў ва мавқега эга кишиларни ўз тарафига оғдириб, уларни Ғарб маданияти, турмуш тарзининг ҳимоячиларига айлантириш, ўз навбатида, ғарбона турмуш тарзини ўзлаштирган, Ғарб андозалари асосида яшовчиларни жамиятнинг “олий қатлам”и сифатида кўрсатиши суалидан кенг фойдаланилмоқда.

Афсуски, бугун шоу-бизнесда тезда шуҳрат орттириб, катта пул топишни мақсад қилган айрим эстрада гурухлари, қизиқчилар жамоалари, аслида ҳақиқий санъатдан бехабар, на овози, на истеъоди бўлмаган, бироқ ўзини “санъат осмонидаги юлдуз” сифатида кўрадиган ёшлар билиб-билмай “оммавий маданият” тарғиботчиларига айланиб қолмоқда. Улар томонидан айтилаётган маза-матрасиз, кўпчилиги чет эл оҳангларидан ўғирлаб олинган қўшиқлар, уларга ишланган клиплар, катта саҳналарда bemalol намойиш этилаётган миллий менталитетимизга зид уятсиз ҳазиллар, кинозалларда намойиш этилаётган бадиий жиҳатдан саёз фильмлар миллий маънавиятимизга, ёшлар тарбиясига фақатгина салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу каби салбий ҳолатларга қарши нафақат мутасадди идоралар балки, жамоат тузилмалари, зиёлилар, ҳар бир фуқаро иш олиб бориши лозим. Телевидение, радиода миллий санъатимиз намоёндаларининг ижоди тарғиб қилинса, ёшларда санъат ва унинг моҳияти тўғрисида тасаввур ҳосил бўлади, бу

эса миллий қадриятларимизни қисман бўлса-да сақлаб қолишга имкон берган бўлар эди.

Тадқиқотчи Б.Умаров ўзининг “Глобаллашув зиддиятлари” деб номланган рисоласида: “Ғарб оммавий маданияти, баъзан инсоннинг тубан иллатларини жунбушга келтирадиган поп ва рок-мусиқага маҳлиё бўлган айрим ёш йигит-қизларимиз халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдоналари, дунёда қиёси йўқ мумтоз қўшиқ санъатимиз, лапар ва айтишувлар, бетакрор мусиқавий оҳангларимизни тинглармикан? Бугун ёшларимиз Ғарб эстрадасининг “юлдуз”ларинигина эмас, ҳатто “юлдузча”ларининг ҳам исми-шарифи, ҳаётий кечинмаларини беш қўлдай билади, аммо “Шошмақом”дан биргина куйнинг номини сўрасангиз ёхуд Беруний, ал-Фарғоний, Форобий, ал-Хоразмий, Алишер Навоий каби улуғ аждодларимиз жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига қандай ҳисса қўшганини билмоқчи бўлсангиз, ер чизиб тураверади. Афсуски, маданий ҳаётда айрим ноқисликлар, хусусан, театрларимизда қўйилаётган спектакллар савиясининг талаб даражасида эмаслиги, миллий эстрадамида ғарбона андозаларга тақлиднинг кучайиб бораётгани, газета дўқонларини қўплаб олди-қочди нашрлар босиб кетаётгани ҳам ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади, деб бўлмайди”, - деб ҳақли равища эътироф этади.

Хулоса қилиб айтганда, “оммавий маданият” инсонларни, айниқса, ёшларни ўз йўлидан чалғитиши, уларнинг онгини заҳарлаш борасида катта имкониятларга эга. Шу билан бирга, жамиятда лоқайдлик, бефарқлик ҳукм сурадиган бўлса, унинг янада гуллаб-яшнашига, инсонлар онги ва қалбини эгаллаб олишига энг катта имконият пайдо бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент., 2021 йил.
2. Муҳамад Амин Яҳё “Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя”. – Тошкент.: Мовароуннахр. 2016 йил.
3. Ислом Каримов. “Юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент., 2010 йил.
4. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”. –Т., «Ўзбекистон», 2000 йил.

Интернет сайтлари

<http://mvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);

<http://ipkmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти).